

“Тасдиқлайман”

Жамоатчилик кенгаши

раиси:  Х.КОМИЛОВ

“ ” 2026 йил

**Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг
2026 йилда амалга ошириладиган йиллик
ИШ РЕЖАСИ**

№	Иш режасига киритилган масалалар, тадбирлар	Худудлар (шаҳар-туман), ташкilot-корхона ва муассасалар	Амалга ошириш муддати
1.	Жамоатчилик кенгашининг 2026 йил иш режаларини ишлаб чиқиш, Кенгаш аъзолари таркибини кўриб чиқиш ва янгиланган таркиб рўйхатини вилоят ҳокими томонидан қарор асосида тасдиқлаш.	Вилоят ҳокимлиги, Кенгаш аъзолари	2026 йил январ
1.	Жамоатчилик кенгашининг барча аъзолари иштирокида 2026-йил “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” давлат дастурини қабул қилиниши юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва кенгашнинг йиллик режаси лойиҳасини шакллантириш ва кенгаш аъзоларининг вазифа тақсимотини белгилаш.	Вилоят ҳокимлиги, Кенгаш аъзолари	2026 йил январ
2.	Бугунги ислохотлар самараси, аввало, коррупцияга қарши кураш самарадорлигига боғлиқ. Шу боис қонун устуворлигини таъминлаш, шаффофликни кучайтириш, коррупциявий омилларни бартараф этиш, шунингдек, вилоятимизда бу борадаги ислохотларни жадаллаштириш ва мутасадди ташкilotлар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Вилоят ҳокимлиги, Кенгаш аъзолари	Доимий
3.	Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, ёшлар учун таълим	Вилоят ҳокимлиги, Кенгаш аъзолари	Доимий

<p>соҳасидани олиб борилаётган ишлар самарадорлиги улар учун яратилаётган шарт-шароитлар мактабгача таълим соҳасидаги яратилган имкониятларни мониторинг қилиш ва аниқланган камчиликлар юзасидан маълумотларни вилоят ҳокимига доимий қиритиб бориш ва мутасадди ташкилотлар ва сектор раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиш.</p>		
<p>4. Маҳаллий бюджети маблағлари хисобидан амалга оширилган “ташаббусли бюджет” “менинг мактабим”, “менинг боғчам” лойиҳалари ижроси юзасидан жамоатчилик назорат тадбирлари ўтказиш</p>	<p>Вилоят ҳокимлиги, Кенгаш аъзолари</p>	<p>Доимий</p>
<p>5. Аҳоли бандлигини таъминлаш, бизнес субъектларнинг фаолиятини тиклашга кўмаклашиш, инвестицион лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этишдаги муаммолар ва бошқа шу соҳага тегишли масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда “Жамоатчилик мулоқоти” доирасида тадбирлар ташкиллаш</p>	<p>Вилоят ҳокимлиги, Кенгаш аъзолари</p>	<p>Доимий</p>
<p>6. Маҳаллалардаги ижтимоий муаммоларни самарали ҳал этиш, аҳолини хар томонлама кўллаб-қувватлаш ва жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш мақсадида “маҳалла еттилиги” билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш, улар фаолиятини агрофлича ўрганиш, таҳлил натижаларини мунтазам равишда вилоят ҳокимига қиритиб бориш ҳамда аҳоли билан очик мулоқотлар ўтказиш орқали мавжуд муаммоларни бевосита жойига чиқиб ўрганиш ва уларнинг самарали ечимларини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Вилоят ҳокимлиги, Кенгаш аъзолари</p>	<p>Доимий</p>
<p>7. Камбағалликдан фаровонлик сари – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички қуч-қуввати ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва</p>	<p>Вилоят ҳокимлиги, Кенгаш аъзолари</p>	<p>Феврал-Март ойлари</p>

	ижтимоий сиёсатни амалга ошириш. Бунда аҳоли томорқасидан самараги фойдаланишни ташкил этиш ва томорқа маданиятини юксалтириш, бунда хотин-қизларни шахсий томорқадан оқилона фойдаланишга ўргатиш орқали бандлигини таъминлаш. Тижорат банки кредитларини мақсадли йўналтиришдаги ислохатларни назорат қилиш.		
8.	2026 йилда чигит экиш мавсумини самараги ташкил этиш, туманлардаги ушбу жараёнлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш чораларини кўришда амалий ёрдам бериш.	Вилоятнинг барча туманларида (тасдиқланган график асосида)	Март-Апрел ойлари
9.	Фермер, деҳқон ва томорқа ер эгаларининг кишлок хўжалиги соҳасидаги билимини ошириш юзасидан семинарлар ўтказиш.	Вилоятнинг барча туманларида (тасдиқланган график асосида)	Март-Апрел ойлари
10.	Пахта, ғалпа, мева-сабзавот ва бошқа йўналишлардаги класстерлар фаоллигини ҳар томонлама ривожлантиришга тақлифлар киритиш.	Вилоятнинг барча туманларида (тасдиқланган график асосида)	Домий
11.	Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг жойларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар ва назорат органлари ҳамда маҳалла институти вакиллари ва фаоллар иштирокида очик мулоқот ҳамда узрашувларини ўтказиш	Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида (тасдиқланган график асосида)	2026 йил июль
12.	Болаларни ёзги оромгоҳларини мавсумга тайёрлиги ва ташкил этилган оромгоҳларда яратилган шарт-шароитларни ўрганиш.	Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида (тасдиқланган график асосида)	2026 йил июль
13.	“Обод кишлок”, “Обод маҳалла” Давлат дастурларининг жойлардаги ижроси бўйича мақсадли ўрганишлар олиб бориш, масбуллар ҳисоботини эшитиш ҳамда нагжаси бўйича Халқ Депутатлари вилоят кенгашига тавсиялар киритиш	Барча шаҳар ва туманларда	2026 йил август
14.	Тавлим муассасаларининг ўқув йилиги таёрлиги юзасидан олиб борилган ишлар нагжадорлигини	Барча шаҳар ва туманларда	2026 йил август

	танкидий ўрганиш.		
15.	Жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва хужужбузалликлар профилактикаси борасида жойларда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини тахлил қилиш	Барча шаҳар ва туманларда (тегишли график асосида)	2026 йил сентябрь
16.	Деҳқон бозорларидаги нарх-наволарнинг мўътадиллиги, маҳсулотларнинг рақобатдошлиги ҳамда савдо хизмати сифатини тахлил қилиш ҳамда натижасига кўра масъулларга ҳулоса ва тавсиялар киритиш	Вилоятдаги деҳқон бозорлари (ҳудудлар бўйича танлов асосида, алоҳида график бўйича)	2026 йил сентябрь
17.	Пахта ҳосилини йигиб-териб олиш мавсумида ташқил этиладиган отрядлар теримчиларига яратилган муносиб меҳнат шaroитлари, терим пулларининг ўз вақтида ва тўлиқ берилиши ҳамда хашарчилар учун ётоқхоналарнинг талабга мос ташқил этилишини ўрганиш, жойларда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, айниқса таълим ва тиббиёт соҳалари ходимларини терим мавсумига жалб этмаслик юзасидан кўшимча тушунтириш ишларини олиб бориш	Барча туманлар ҳудудида (тегишли график асосида)	2026 йил сентябрь-октябрь
18.	“Ёшлар – келажакимиз” Давлат дастури доирасида, амалга оширилаётган ишларни ўрганиш, тахлил қилиш ва натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига тавсиялар киритиш	Фарғона, Кўкон ва Марғилон шаҳарлари, Учкўприк, Бувайда туманлари	2026 йил октябрь
19.	Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг куз-киш мавсумига тайёргарлиги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш.	Барча туман шаҳарларда	2026 йил сентябрь
20.	“Ҳар бир оилга тадбиркор” Давлат дастурининг жойлардаги ижроси, амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини тахлил қилиш ҳамда натижаси бўйича вилоят кенгашига тавсия киритиш	Ўзбекистон, Фурқат, Данғара ва Кўштепа (тегишли график асосида)	2026 йил ноябрь
21.	Давлатимиз раҳбари томонидан инвестиция муҳитини янада ривожлантиришга қаратилган	Фарғона, Кўкон, Марғилон ва Қувасой шаҳарлари (вилоят ҳокимлиги билан)	2026 йил ноябрь

	ХУДУДИЙ дастурларни амалга ошириш борасида қабул қилинган ҳужжатлар ижроси юзасидан ўрганишлар	келишилган график асосида)	
22.	Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, натижаси бўйича тавсиялар тайёрлаш	Вилоят соғлиқни сақлаш, вилоят халқ таълими бошқармалари тасарруфидаги маҳаллий муассасалар (танлов асосида, алоҳида график бўйича)	2026 йил декабрь
23.	Жамоатчилик кенгаши ҳамда унинг мақсад-вазифалари ҳақида аҳоли ва кенг жамоатчиликни ҳабардор этиш мақсадида матбуот ва маҳаллий телеканаллар орқали чиқишлар (давра суҳбати, интервью, мақолалар) ташқил қилиш	Фарғона, Марғилон ва Кўкон, Боғдош шаҳарларидаги маҳаллий телевидениелар, вилоятдаги босма ОАВ	Домий
24.	Жамоатчилик кенгашининг жойлардаги фаолияти, ҳудудларда долзарб масалалар бўйича олиб борилган ўрганишлар ҳамда уларнинг натижаси ҳақида аҳоли ҳабардорлигини таъминлаб бориш учун оммавий ахборот воситалари ва вилоят ҳокимлиги расмий веб сайтга ахборот ва маълумотлар жойлаштириб бориш. Жумладан: - Кенгашнинг ташқиллий ҳужжатлари (Низоми, Кенгаш таркибининг тўлиқ рўйхати ва бошқ.)ни вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтга жойлаштириш; - “Фарғона ҳақиқати” газетасида махсус рубрикалар таъкиллаш (“Жамоатчилик нигоҳи”, “Кенгаш кун тартибиди” ва ҳ.к.) - Кенгаш фаолияти ҳақида вилоят телевидениеси орқали ахборот бериб борилишини йўлга қўйиш	Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати, “Компьютерлаштириш маркази” ДУЖ “Фарғона ҳақиқати”, “Ферганская правда газеталари бош муҳаррирлари “Фарғона” телерадиокомпанияси	2026 йил июль ойдан бошлаб мунтазам

Жамоатчилик кенгаши котиби:

Х.Раҳмонов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Фарғона вилояти ҳокимининг
Жамоатчилик

назорати Кенгаши раиси

 **Х.О.Комилов**
20.01.2026 йил

**Жамоатчилик назорати кенгашининг 2026 йил давомида
амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва фаолиятни
режалаштириш юзасидан йнгилиш
БАЁННОМАСИ**

Фарғона шаҳри

2026 йил 20-январ

Расмлик килди:

Х.О.Комилов-Халк депутатлари Фарғона
вилоят кенгаши раиси, Жамоатчилик кенгаши
раиси.

З.Рахмонов-Жамоатчилик кенгаши раиси
Ўринбосари. Махалла ва Нурунийлар
бошқармаси бошлик ўринбосари.

Иштирок этдилар:

Жамоатчилик назорат кенгаши вакиллари (35
нафар) вилоят ҳокимлиги фаоллари (рўйхат
илова этилади).

КУН ТАРТИБИ:

1. 2025 йил 11-ноябр кунги Фарғона вилояти ҳокимининг
557-11-0-Q/25 сонли қарори билан Жамоатчилик Кенгаши аъзолари
янгиланган рўйхати билан таништириш.
2. 2026 йил давомида амалга ошириладиган ишлар юзасидан
фаолиятимизни тизимли йўлга қўйиш учун Жамоатчилик кенгаши
аъзоларининг таклифларини ўрганиш.
3. Ўрганиш натижалари ва берилган таклифлар асосида 2026 йил учун
Жамоатчилик кенгаши йиллик иш режасини ишлаб чиқиш ва
тасдиқлаш.

*Х.О.Комилов-Халқ депутатлари
Фарғона вилоят Кенгаши раиси,
Жамоатчилик кенгаши раиси.*

Йиғилиш раиси Х.О.Комилов йиғилиш қатнашчиларига кун тартибидagi масалалар билан таништирди

Раис ўз маърузасида 2025 йил 11-ноябр кунги Фаргона вилояти хокимининг 557-11-0-Q/25 сонли қарори билан Жамоатчилик Кенгаши аъзолари янгиланган рўйхатини тасдиқланганлигини ва янги таркибдаги жамоатчилик кенгаши аъзолари рўйхати билан барчани таништириб ўтилди. Янгиланган таркиб ва аъзоларнинг меҳнат фаолиятига машақатли ҳамда шарафли меҳнатларида улкан мувофақиятлар тилади. Холматжон Одилович ўз сўзида албатта 2025 йил амалган оширилган ишлар ҳамда эришилган ютуқлар учун бутун Жамоатчилик кенгаши аъзоларига ўз минатдорчилигини билдирди ҳамда 2026 йил учун ҳам улкан мақсадларни ўз ичига камраб олган йиллик иш режани ишлаб чиқиш бўйича йиғилишни давом этирди. Йиғилиш давомида ЖК раис ўрибосари З.Рахмонов ҳам сўзга чиқди ва албатта ЖК ташкил этилган кундан бошлаб кўплаб самарали халқ манфатига хизмат қилувчи ишларни ташкил этилганлиги ва бу ишларни бардавом бўлиши 2026 йил учун ҳам кенг камровли юкори натижадорликка халқ манфати учун хизмат қилувчи режани ишлаб чиқишни вакиллар олдида тақидлади. Янги таркибдаги ЖК вакилларини 2026 йил учун тақлифлари олиниб кенг муҳокама қилинди.

Тадбир давомида кенгаш аъзоларидан кўб йиллик тажрибага эга ўз тажрибалари билан шогирдларга намуна бўлиб келадиган вилоятимизнинг устоз меҳнат фахрийлари ЖК аъзоларидан Н.Ш.Муминов, Р.И.Камолов, Ш.Х.Эрматов, М.Сайфутдиновларнинг тақлифлари ҳам тингланилди. Йиғилиш давомида аъзолардан кўплаб тақлифлар фикрлар олинди ва кенг муҳокама қилинди.

Муҳокамалар давомида ЖК аъзолигига қабул қилинган устозлар фикрлари ҳам тингланилди ва бу ҳолат вилоятимизда узок йиллар юртимиз равнақи учун фидокорона меҳнат қилган қатта тажрибага эга инсонларни ушбу кенгашга аъзо бўлганлиги албатта бу қувонарли ҳоллиги тақидланди. Йиғилиш давомида албатта бу фидоий инсонларимиз босиб ўтган меҳнат фаолияти давомида юртимиз равнақига хисса қўшганлиги ва келажак ёшларни тарбиялаш ҳамда вилоятимизнинг барча соҳаларини ривожлантиришда тажрибаларидан фойдаланиш бош мақсад эканлиги тақидлаб ўтилди. Раис ўз сўзида Кенгаш таркибига янги киритилган аъзолар меҳнат фаолиятига мувофақиятлар тиланди.

Йиғилиш давомида Жамоатчилик кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар албатта режа асосида кетаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси ҳамда 2026 йилни “Маҳаллани

ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинганлиги ва давлат дастурини ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан вазифалар белгилаб олинди. Бугунги кунда режага киритилган бугунги куннинг энг оғрикли иллатларидан бўлган Коррупцияга қарши курашишда жамоатчиликни рўйини кўчайтириш мактаб ва мактабгача таълим соҳасидаги ислохатларни бориши сифатли таълим тизимини холати ва ўқувчилар ҳамда боғча тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар кенгаш вакиллари томонидан агрофлича ўрганилганлиги ва вилоят хокими томонидан ҳукумат соатида муҳокама қилинганлиги такидлаб ўтилди. Қишлоқ хўжалигидаги пахта мавсумига чигит экиш, ғаллани йиғиб олиш, бозорлардаги нарх наволарини кескин ошиб кетиши юзасидан доимий назорат олиб бориш режаси ҳақида тизимли ишлар олиб бориш кераклиги такидланди. Юқорида айтиб ўтилган йўналишдаги ишларни ва мавжуд муаммоларни олдини олишда албатта тизим раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш ва камчиликларни бартарф этиш юзасидан аниқ таклифлар режалар ишлаб чиқилиб вазифалар белгилаб берилди.

Кун тартибидаги кўрилган масалалар ва билдирилган таклифлар ва мулохазалардан келиб чикиб, Жамоатчилик Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. 2025 йил 11-ноябр кунги Фарғона вилояти хокимининг 557-11-0-Q/25 сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.
2. 2026 йил Жамоатчилик Кенгаши йиллик иш режаси учун аъзолар томонидан берилган таклифлар юзасидан йиллик иш режаси ишлаб чиқилсин ва ижрога қаратилсин.
3. Белгилаб олинган вазифаларни ижросини таъминлаш ва назоратини ўз зимамда қолдираман.

Йиғилиш қотиби:

Х.Раҳмонов